


(УЗТАГ).



# ЎНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК МАРРАЛАРИ

## ИРРИГАЦИЯ ИСТИҚБОЛИ



Олмалиқ мис эритиш заводи ишчи-хизматчилари ўнинчи беш йиллик лойиҳаларини қизғин муҳокама қилдилар. Корхонада биринчи бўлиб металлургия деҳи коллективини КПСС XXV съезди очилганда кунгача давлатга 5000 тонна мис етказиб бериш мажбуриятини шараф билан бажариш учун қизғин кураш аёз олдириб юборилди. Меҳнат беллашувида илгори ишчи Риза Осмонов пешқадамлик қилаётди.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

## ЎНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУХОКАМАСИДА

## КЎПВААРЗОН ПАХТА ЕТИШТИРАМИЗ

### ЗАРБАДОР ВАХТАДА

Тўққизинчи беш йиллик якунилари сарҳисоб қилинаётган шу кунларда партиямиз Марказий Комитетининг XXV съезда лойиҳаси эълон қилинди. Унда совет кишилари беш йил давомида олиб бораган иш якунилари ва келгуси ўн йилликда қилиш зарур вазифалар батафсил кўрсатилган.

Колхозимизнинг барча аъзолари бу ҳужжатни ўқиб, янги режаларни белгиламоқдалар.

Колхозимизда бу йил ҳосилдорлик бир мунча юқори бўлди. 1974 йилдаги қарағанда ҳар гектар ердан 4,7 центнердан кўп пахта топирилди. СССР Министрлар Советининг пиландан ташқари топирилган пахтага қўшимча ҳақ тўлаш тўғрисидаги қарорига мувофиқ, 188 минг 807 сўм қўшимча даромад олди.

КПСС Марказий Комитетининг XXV съезда лойиҳасида ерлар унумдорлигини ошириш, ҳосилдорлигини кўпайтириш, бунинг учун минерал ва органик ўғитлардан самарали фойдаланиш, беда-пахта-беда алмашлаб экишни кенг жорий этиш, деҳқончиликни ривожлантиришда муҳим омиллардан эканлиги ана бир бор кўрсатиб берилган.

Биз партиямизнинг ана шу кўрсатмасига амал қилиб, даладар ҳосилдорлигини йил сайин оширмоқдамиз. Шу тўғрисида даромад ўсиб бормоқда. Чунки, бултур бир гектар ердан олган даромад 1491 сўмни ташкил этган бўлса, биз йил 1970 сўмга етказилди. Биз бунга пахтачиликка кетадиган ҳаракатни қамайтириш, меҳнатқўрқатини, минерал ўғитлардан ўз вақтида фойдаланганимиз тўғрисида эришдик. Шунинг учун пахтанинг таннархи бултургига қараганда тўрт сўмданга қамайтирилди.

Кейинги йилларда гўза зарарлонулардан ва ҳашаротларга қарши химиявий йўл билан эмас, биологик усулда кураш олиб боришмоқда. Аввалги йилларда 25—30 минг сўмлик химикатлар олинарди. Ҳозир бундан воз келганимиз.

Биз олимлар билан ҳамкорликда иш олиб бориб, ҳашаротга қарши курашда биологик усул энг афзал усул эканлигини, мана тўртинчи йил бўлдики, тўла қаноат ҳосил қилдик. Қишлоғимиз аҳолиси яшайдиган жойларга яқин пахтазорларга ҳар йил заҳарли химикатлар соғилганда одамлар саломатлигига салбий таъсир кўрсатарди. Энди эса колхозимизнинг ўзида ташкил этилган лаборатория ходимлари аъзолари ҳашаротларни йўқотадиган фойдали ҳашаротларни даладарда уришмоқдалар. Шунинг натижасида ҳашаротга қарши курашга 25—30 минг урингга 4260 сўм сарф бўлди.

КПСС Марказий Комитетининг XXV съезда лойиҳасида ана бир бор шу нарса ҳам таъкидлангани, қишлоқ ҳўжаллигида ҳам меҳнат сарфлаб, йил сайин юқори ҳосил етиштириш асосий вазифадир.

Кўпгина бригадани аъзолари ана шу кўрсатмага тўла амал қилмоқдалар. А. Бобокўлов раҳбарлик қилаётган бригада пахтазорлари ҳар гектар ердан сепкам 44 центнердан, Р. Қоратоев бригадаси 42 центнердан, Ғулом Иброҳимов бригадаси эса 40 центнердан пахта етиштириб олдилар. Улар КПСС XXV съезди шарафига социалистик мусобақани янада кучайтириб, ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилда ҳосилдорлигини бундан ҳам оширишни мўлжаллаб иш юритмоқдалар.

Ерлар унумдорлигини оширишда органик ўғитлар гўшт фойдаланиш. Колхоз правлениси ерлар структурасини ўрганиб чиқиб, қайси майдонга қанча ўғит, гўшт солиш қарасини тузган. Биз ана шу қаратма мувофиқ ҳар йили навбат билан маълум ерларни органик ўғитлар солиб унумдорлигини оширамиз.

Бултур 200 гектар ерга 10—12 тоннадан гўшт солинди. Езги мавсумда гўзаларни қўшимча озиклантириш белгиланган муддатларда амалга оширилди. Шунинг натижасида бу майдонлардан айниқса

юқори ҳосил етиштирилди. Келгуси йилда ана 200 гектар ерга худди шу нормада органик ўғит берамиз.

Пахта ҳосилдорлигини оширишда, уни тезроқ пишиб етилишида гўза ўсиш даврида қўшимча озиклантириш муддатларига риоя қилиш муҳим омил эканлигини деҳқонларимиз яхши биладилар. Биз ҳар йили ҳам минерал ўғитлар билан қўшимча озиклантиришни йўналиш қилишимиз. Агар бу иш август ойига ўтиб кетадиган бўлса, ўзалар баргга зўр бериб, кўсаниги вақтида тўлдирмайди, пахтанинг очилиши кечикиб кетарди.

Пахта-беда алмашлаб экиш ҳам ерлар структурасини яхшилашда, унумдорлигини оширишда муҳим омиллардан биридир. Биз ўнинчи беш йиллик давомида пахта-беда алмашлаб экишни тўла амалга оширамиз ва бу билан пахта ҳосилдорлигини янада кўпайтирамиз ҳамда чорвачилик озуқаси базасини мустаҳкамлаймиз.

Барча совет кишилари каби колхозимиз аъзолари жонажон партияимизнинг XXV съездининг меҳнатда юқори кўрсаткичларга эришиш билан кутуб олиш ниятидалар. Ҳамма даладаримиз етарли миқдорда ўғитланиб, юқори сифатли шудгор қилиб қўйилди. Техника ремонтни жадвал суръатлар билан бормоқда.

Биз шунингдек кадрлар маъласини ошириш учун бригада бошлиқлари, механизаторларнинг таъриба алмашуви, ўқиб билим оширишларини яхши йўлга қўямиз.

Ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида пахта ва бошқа қишлоқ ҳўжаллиқ экинларидан мўл ҳосил етиштириш, чорвачиликни ривожлантириш, маҳсулдорлигини ошириш учун зарур бўлган ҳамма тадбирларни амалга оширамиз.

М. ДУСАНБОВ,  
Урта Чирчиқ районидан  
Свердлов номидаги колхоз раиси.

### ПОЙТАХТДАГИ САНАОТ КОРХОНАЛАРИНИНГ КОЛЛЕКТИВЛАРИ КПСС XXV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАНИ АВЪЗ ОЛДИРИБ, УЛКАН ЮТУҚЛАРИНИ ҚўЛГА КИРТИШМОҚДА.

Корхоналараро меҳнат беллашувида «Малика» трикотаж фабрикаси коллективи олдинги сифатда боришти. Фабрикада ойлик ҳақда қиравал планни ва социалистик мажбуриятларни ошариб бажарилиши билан бирга маҳсулот сифатининг янада яхшиланишига тўбора кўпроқ эътибор берилди. Натижада, ишлаб чиқарилаётган турли хил кийим-кечакларнинг 20 таси давлат Сифат белгисини олди.

Тўққизинчи беш йиллик корхона коллективни учун айниқса самарали бўлди. Беш йиллик планини муддатидан бирнеча ой илгари бажарган трикотажчилар планга қўшимча равишда 8 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга қарор қилдилар.

Корхонада ишлаб чиқариш самарадорлигининг тез суръат билан ўсишида янги тақомиллашган машиналарнинг ўрнатилиши айниқса кўза келипти. Беш йиллик мобайнида фабрика цех ва участкаларда жами 622 та янги ускуна ишга тушарилади. Шунингдек, рационализатор ва изобретчилар ҳам янги-янги тақлифлар билан қўл меҳнатини енгиллаштириш ҳамда меҳнат унумдорлигини оширишга қўшма қўшнатишти. Ишлаб чиқаришга жорий этилган 200 та тақлиф йилга 837 минг сўмлик натижодий фойда келтиради.

### ЯНА 12 МИЛЛИОН СЎМЛИК ТОВАР

КПСС XXIV съездининг қарорларини амалга ошира бориб, навбатдаги партия XXV съездининг муносиб кутуб олиш учун умумхалқ мусобақасига қўшилган об-ласт давлат савдоси ходим-

ОБЛАСТИМИЗ шароитида қишлоқ ҳўжаллигининг ривожланиши бевосита суз ҳўжаллиқ қурилиши ва мелiorация ишлари миксис ҳамда суръатларига боғлиқ. Шунинг учун ҳам экин майдонларини суз билан таъминлаш ва янги ерларни ўзлаштиришга доим катта эътибор берилмоқда.

Тўққизинчи беш йиллик давомида областимизнинг сугориладиган ерларини кенгайтириш ҳамда экин майдонларини суз билан таъминлашни яхшилашга қаратилган жуда кўп ишлар амалга оширилди. Ирригация тармоқларини эксплуатация қилиш яхшилаш билан боғлиқ бўлган тадбирлар қўрилди. Суз ҳўжаллиқлари қурилишини ривожлантириш, еринг мелiorатива қолатини, капитал планировкалашни яхшилаш, дренаж тармоқларини тозалашни механизациялаш юзасидан катта ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Бунда «Ташобмелиоводстрой» трест коллективни асосий роль ўйнади. Ақсарият кўпчилик қурилиш-монтаж ишларини ана шу трест бинокорларини амалга оширидилар. Улар тўққизинчи беш йилликнинг дастлабки йилидан бошлаб янги ерларни ўзлаштириш ва экин майдонларини суз билан таъминлашни яхшилаш ишларини бошлаб ошордилар. Бу ишда қурилиш ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор берилди. Трестнинг социал ривожланиш планида бу асо-

мусобақани авъз олдириш унинг формаларини кенгайтириш, бу ватанпарварлик ҳаракатида ақсарият кўпчилик ишчи-хизматчиларнинг иштирок этишини таъминлашга қаратилган қатор тадбирлар қўрилди. Мусобақа пухта ташкил этиладиган, натижалари ҳар ойда ақунланадиган, илгорлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириладиган бўлиб қолди.

Коллектив шу йилнинг 20 ноябрида тўққизинчи беш йиллик план топириқларини шараф билан бажарганлиги ҳақида галаба рапорти берди. 80 миллион сўмликдан кўпроқ қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Ҳозирги вақтда трестнинг бешта бўлимаси коллективни ўнинчи беш йиллик ҳисобига ишлаб турпти.

Бинокорлар областимизда 10 минг гектарга яқин янги ерни қишлоқ ҳўжаллиги об-ротига киритдилар. Хандам канални фойдаланишга топширишди. Унинг узунлиги 70 километрни ташкил этади. Бу канал Юқори Чирчиқ, Урта Чирчиқ ва Оҳангарон районларини суз билан таъминлашни анча яхшилади. Янги ўзлаштирилган ерларда эса совхозлар ташкил қилинди.

Ноябрь ойининг бошларида давлат комиссияси Бўғиқ каналнинг 15 километр узунлигидаги биринчи навбати фойдаланишга топирилганлиги ҳақидаги рапортга қўл қўйди. Топилиқлар узра кетган бу каналнинг нотекис рельефи

нат ва сийёсий активлиги КПСС XXV съездининг муносиб кутуб олиш учун социалистик мусобақа кенг авъз олиб кетган ҳозирги вақтда айниқса, ошди. Коммунистлар ҳар ишда бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Эсквавтор машинист Николай Соколов беш йиллик нормасини тўрт йилда бажарди.

Саидхон Умурзоков бошчилик қилаётган бетончилар бригадаси меҳнатдаги муваффақиятлари билан коллектив уртасида катта обрў-эътибор қозонди. Николай Злобин усули асосида ишлаётган бригада аъзолари нормани 140—150 процентдан бажаришди. Улар, айниқса, Анҳор каналини реконструкция қилишда жонбозлик кўрсатдилар.

Беш йилликнинг ўтган йиллари мобайнида бригада 26 минг кубометр майдонга бетон ётқизди. Ҳозир бригада Оҳангарон суз омборининг ўнг қирғоқ канал қурилишида ишлаяпти. 15 километрлик бу канал қурилишида 80 минг кубометрга яқин бетонлаш ишлари амалга оширилади. Йиллик план муддатидан илгари бажарилиб, қолган вақт ичида 100 минг сўмлик иш бажарилади.

Бундай илгорлар трест бўлималарида кўп. 240 механизатор ва 43 бетончи тўққизинчи беш йиллик нормасини бажариб қўйди. 15 ишчининг меҳнат календарига 1978 йил бошланди. Ана шундай илгорлар орасида эсквавтор машинистларидан Владимир Отченко ва Умурзоқ Аббосов, бўлдозорчи Асан Урзабев, Николай Наватир, Уктам Алибеков, скреперчи Петр Пасеник, бетончи Саъди Баширов, Иван Скобелев ва бошқалар бор.

Трест 1974 йилдан бошлаб планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтди. Бу прогрессив усул коллектив фойдали кўрсаткичларига қиёсий таъсир қилмоқда. 1974 йилда асосий фондларни ишга тушириш планни 140 процент қилиб бажарилди. 3 миллион 461 минг сўм фойда олинди. Моддий рағбатлантириш фонди 400 минг сўмгача етди. Социал маданий тадбирларни амалга ошириш учун фонддаги маблағ 137 минг сўмни ташкил этди. Бу трест сановт базасини кенгайтириш, шўгал саралаш карьерни, уй-йойлар ва

социал маданий-маиший объектлар қурилиш анча кенгайтириш имконини берди. Мукофотнинг ўртача миқдори 1973 йилдагига нисбатан уч баравар кўпайди.

Қурилиш сифатига тўбора катта эътибор берилмоқда. Шу мақсадда сифатни бошқариш системаси жорий қилинди. Бракни кескин қамайтиришга қаратилган тадбирлар комплекси белгиланган. Қурилишнинг сифати трестда ташкил этилган сифат бўйича кенгашида вақтинчалик бўйича мукофот қилинди. Бажариш ишларини қабул қилиш ва уларга баҳо қўйиш марказлашган тартибда амалга оширилмоқда. Ана шундай чоралар тўғрисида сўнгги йилларда қурилган объектларнинг 90 проценти «яхши» ва «аъло» баҳолар билан фойдаланишга топирилди.

«1975—1980 йилларда халқ ҳўжаллигини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини тўғрисидаги КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездида лойиҳасини трест қурувчилари қизғин маъқуллаб кутиб олдилар. Чунки бу ҳужжатларда белгиланганидек ўнинчи беш йилликда 462 минг гектар сугориладиган ер ўзлаштирилди. 1,5 миллион гектар ялғовга суз чиқарилади. Шу иш юзасидан трест коллективни зиммасига ҳам бир қатор масъулият вазини қўлатилган.

Бу йил коллектив улкан Парият канал қурилишини бошлаган эди. Суз ишоотининг биринчи навбати 70 километр узунлида бўлади. Бунёдкорлар қурилишда жами 42 миллион сўмлик давлат маблағини ўзлаштирилган лозим. Шу маблағдан 35 миллион сўм қурилиш-монтаж ишларига ажратилган. Қисқа муддат ичида 20 миллион куб метр тупроқ қазиб олинди, 170 минг куб метр бетон ётқизилиши лозим.

Канал орқали суз билан таъмин этиладиган ерларда экин кизта янги совхоз ташкил этиш мўлжалланган. Ана шу ишларнинг халқ ҳўжаллигини нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини тўла ҳис қилган коллектив канални мўлҳим-қадар барвақтроқ ишга тушириш юзасидан зарур чора ва тадбирларни белгиланмоқда.

В. Н. ТУВАЕВ,  
область партия комитетининг инструктори.

ий йўналиш қилиб белгиланди. Ишлаб чиқариш режаларини ишга солиш, ҳўжаллиқ юртишнинг прогрессив усулларини жорий қилиш, қурилиш муддатларини қисқартириш, тугалланмаган ишлаб чиқаришларни қамайтириш, мавжуд машина-механизмлардан фойдаланишни яхшилаш бинокорлар дикқат марказида бўлди.

Айни вақтда социалистик

инженерлар, ишчи-хизматчиларнинг ижодий изланиб, зўр маҳорат билан ишларини тақозо этади. Бинокорлар бунинг урдасидан муваффақият қилишди. Трасса давомида умумий узунлиги 4 километр бўлган 7 та дюкер қурилди. Улар ёрдамида суз ўнларча метр пастиқка тушиб ана юқорида кўтарилади. Трест ва унинг бўлималарида бинокорларнинг меҳ-



Тошкент трактор заводи коллектив тўққизинчи беш йилликда қишлоқ ҳўжаллиқ коллективларига юз мингдан зиёд янги техника воситалари етказиб берди. Корхона меҳнат аҳли йилда ўнинчи беш йилликда трактор ишлаб чиқаришнинг қўлайлигини юзасидан янги мажбуриятлар қабул қилди. Сўратда: конвейердан чиққан янги тракторлар.

Г. Пун фотоси.  
(«ТАТ».)

## ТУҲФА

3-трестнинг 15-қурилиш бошқармаси коллектив уртасида сўмолдиги социалистик мусобақаси қизгин давом этмоқда. Пешқадар бригада коллективлари ҳамда илгор қурувчилар съезд шарафига олган юксак социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш йўлида барча ишбилдирилдан унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар.

Василий Шевлюк бошлиқ комплекс бригада коллективни ўтган кварталлар давомида энг юқори меҳнат кўрсаткичларига эришиб, мажбуриятлар орасида байроқдорлик қилиб селалаётган. Пешқадар бригада бунёдкорлари республика миз пойтахтининг 4-ишчилар шаҳарчасидан өр қатор муҳим объектлар — мағазиналар, боғлар бөгчаси ва завод ишчилари етоқчаларини муддатидан илгари қуриб битказиб, ахши баҳоларда фойдаланишга топиришга эришдилар.

Айни кунларда бу бригада ахли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирташмаси ишчиларига мўлжалланган 600 ўрнлик кишилик нотеатр биносини барпо этмоқдалар. Улар бу санъат даргоҳини КПССнинг XXV съезди очилганда кунгача гўла қўлдан чиқариб, санъат ишбилдирилари тақдир этишмоқчи.

Шу кунларда объектда юксак мажбуриятга яраша қизгин меҳнат давом этмоқда. Ю. Маслов, В. Кочубей, Г. Шехов, Н. Ягулда, В. Ким ўртоқлар сингари зарбдор ишчиларнинг баракали меҳнатлари тўғрисида қишлоқ норма 140 процентга етказиб бажариламоқда.

А. НОРКУЛОВ,  
Р. БЕРДИМУРОВО.

## КЕЛГУСИ ЙИЛ ТАРАДДУДИ

Бекобод районидан Навоий номидаги колхоз пахтакорлари ҳосилни йиғиштириб олиб, келгуси йил қўқ оптининг учун пухта замин яратмоқдалар. Экинлардан бўшаган ерлар пешма-пеш тозаланиб, гўзал-попарли йиғиштириб олинати.

Механизаторлар шудгорлашни қисқа кун ичида таъминлаш юзасидан мусобақани кучайтиридилар. Улар ман-донларни 35 сантиметр чуқурликда ҳайдамоқдалар. Бульдозерчи, скреперчилар ҳам ишини авъз олдириб юборишди. Улар ерларни тартиб-

га солиш, эски ариқларни тўқитиб, экинларга айлан-тириштишти. Хайитбой Жавоков, Жаббор Норингитовга ўхшаш механизаторлар кундалик нормаларини 1,5 бараварга етказиб адо этмоқдалар. Колхознинг 4-участкасига

ўртоқ И. Ирисалиев раҳбарлик қилди.

— Биз, — дейди у, — об-хаво ноқулайлиқларига қарамай мўл ҳосил етиштирдик. Экинлар парварниш намуна-ли ташкил қилинди. Те-рим ҳам ушқоқлик билан

олиб борилди. Ишчи механизаторлар таъин қолда амалга оширилганимиз тўғрисида ма-шина термин талашди. Ку-нига йиллик планининг 7—8 процентидан узуқсиз пахта топирилди турди. Натҳанда 8 октябрдаёқ халқ ҳўжаллиқ планини муваффақиятли ба-жардик. Районда биринчи бў-либ, галаба рапортига илзо чекдик. Ҳар гектар ердан 33 центнердан пахта сотиб, па-

инининг 135 процент қилиб адо этдик.

Ҳозир Худойберди Жа-воков, Жўрабон Азаматов, Суёнбой Абдуллоев ўртоқ-лар раҳбарлик қилаётган бри-гадада келгуси йил мўл ҳо-силга пухта замин яратиш юзасидан иш бошланиб кетди. Далага ўғит ташиб чиқари-моқда. Ариқ тозалаш бошлан-ди, ирригация шўбочалари тартибга келтирилмоқда.

Колхозда 40 центнерчилик ҳаракати негиз қилиб олин-ди. Кўпгина бригада ва участ-каларда янгидан-янги мажбу-риятлар олинди, меҳнат қи-линмоқда. Колхоз правление-си ҳосили ҳам ерларга қў-шимча ўғит солиш, техникани экин қамланисига шай қилиб қўйиш юзасидан тадбирлар кўрмоқда.

М. ГАНИЕВ.

